

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.01.2020.I.20.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАТЧАНОВА АМАНГУЛЬ АЗАТОВНА

**АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА
КООПЕРАЦИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ**

08.00.13 – Менежмент

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of the Dissertation Abstract of doctor of philosophy (PhD)
in Economics Sciences**

Матчанова Амангуль Азатовна

Агросаноат мажмуаси бошқарув тизимида кооперацияни
шакллантириш ва ривожлантириш 3

Матчанова Амангуль Азатовна

Формирование и развитие кооперации в системе управления
агропромышленным комплексом..... 29

Matchanova Amangul Azatovna

Formation and development of cooperation in the agricultural
management system 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.01.2020.I.20.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАТЧАНОВА АМАНГУЛЬ АЗАТОВНА

**АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА
КООПЕРАЦИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ**

08.00.13 – Менежмент

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Iqt309 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.karsu_info@edu.uz ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталининг www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Фарманов Тулқин Хайитмуродович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хамидов Обиджон Хафизович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ходжалепесов Полат Зинатдинович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.01.2020.I.20.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «_____» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1. Тел.: (99861) 223-60-78; факс: (99861) 223-60-19; e-mail: karsu_info@edu.uz.)

Диссертация билан Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1. Тел.: (99861) 223-59-49, e-mail: karsu_info@edu.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «_____» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

К.Убайдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

А. Алымов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, PhD, доцент

Т. Досчанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотация)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти. Жаҳон тажрибаси, айниқса уч юз йиллик тараққиёт йўлини босиб ўтган дунёнинг иқтисодий етакчи давлатлари – Европа Иттифоқи мамлакатлари, Америка Қўшма Штатлари, Канада, Япония каби давлатларнинг агросаноат мажмуаси иқтисодий барқарор ривожланмоқда. «Ушбу давлатларда кооператив ҳаракат қишлоқ аҳолисини тўлиқ қамраб олган ҳолда озиқ-овқат саноати маҳсулотларининг 45-50 фоизини ишлаб чиқарса, Франция ва Германияда эса кооператив корхоналар 80 фоиздан кўпроқ қишлоқ хўжалиги корхоналарини бирлаштирадilar»¹. Бугунги глобаллашув шароитида агросаноат мажмуасини замонавий инновацион бошқаришда мулкчилик шаклидан қатъий назар маҳсулот ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш, сотиш ва бошқа соҳалар бошқарув тизимини уйғунлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик муносабатлари асосида кооперация ҳаракатини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Жаҳонда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини бозор рақобати даражасида ташкил қилиш шароитида агросаноат мажмуасини самарали бошқариш, айниқса бошқарув тизимида кооперация муносабатларини ривожлантиришга бағишланган илмий-тадқиқот ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада айниқса қишлоқ хўжалиги хомашё маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, қадоклаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўналишларини уйғунлашган ҳолда ривожлантириш, бозор муносабатларида янги замонавий тузилма сифатида агрокластерларни ташкил қилиш ва ривожлантириш масалалари бўйича устувор даражада тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида агросаноат мажмуасининг самарали бошқарувига, соҳани барқарор ва тизимли ривожлантириш, инновацион технологиялар ва ресурстежамкор ишланмаларни интенсив жорий қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш каби масалаларга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. «Ҳар томонлама мукамал ва самарали бошқарув тизимини яратиш – олдимизда турган улкан вазифаларни бажаришнинг асосий шартидир»². Бу борада агросаноат мажмуаси соҳасида инновацион бошқарув усулларини такомиллаштириш, рақамли иқтисодиёт шароитида бошқарув тизими самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришда кооперация муносабатларини ривожлантириш каби йўналишларда илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»³, 2019 йил

¹ Формирование и развитие региональных сельскохозяйственных кооперативных рынков /под общей редакцией И.В. Палаткина – Пенза, – 2013.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони. URL: <http://lex.uz>

23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»⁴ги фармонлари, 2019 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4512-сон «Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁵ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 январдаги 15-сон «Қорақалпоғистон Республикаси хуудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»⁶ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. 19-20 асрлардаёқ М.Бакетт⁷, А.А.Коньгин⁸, А.Н. Энгельгардт, Н.Г.Чернышевская, М.И.Туган-Барановский, А.В. Чаянов, И.Н. Буздалов, Н.Д. Кондратьев, Н.П. Макаров, А.А. Никонов, Н.А. Рибников, Е. В. Серов, А. Н. Челинцев, Г. И. Шмелев⁹ ва бошқа шу каби жаҳон олимларининг илмий ишларида кооперация муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши ҳамда уларни қишлоқ туманларининг демографик ҳолатига, янги доимий иш ўринларини яратишга, қишлоқ хўжалигининг қолоқ тармоқларини, шунингдек умумий ҳолатда агросаноат мажмуасининг барча соҳаларини ривожлантиришга ижобий таъсири бўйича масалалар кўриб чиқилди. Улар томонидан минтақаларнинг ихтисослашуви, инфратузилма объектлари билан таъминланганлигини ҳисобга олган ҳолда кооперациянинг турли моделлари, ҳамкорлик шакллари, молиялаштириш тизими ва шу каби механизмлар ҳам тайёрланган эди.

Республикада агросаноат мажмуасида кооперация масалалари билан С.Н.Усманов¹⁰, Ф.К.Каюмов¹¹, М.Т.Ризаев¹², Р.Х.Хусанов¹³, А.М.Джураев¹⁴,

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853 сонли «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги Фармони, <https://lex.uz/docs/3098316>

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4512-сонли «Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, <https://lex.uz/docs/4588389>

⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 январдаги ВМҚ-15 «Қорақалпоғистон Республикаси хуудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори, <https://lex.uz/docs/3098316>

⁷ Бакетт М. Фермерское производство: организация, управление, анализ / Перевод с англ. А.С. Каменского; Предисловие В. Ф. Башмачникова. М.: Агропромиздат, 1989. – 464 с.

⁸ Коньгин А.А. Фермерское хозяйство США / Под ред. В.Ф. Башмачникова. – М.: Агропромиздат, 1989. 207 с.

⁹ Шмелев Г.И. Производство сельскохозяйственных продуктов населением России / Г.И.Шмелев. – М., 2002. – 285 с.

¹⁰ Актуальные вопросы экономики сельского хозяйства: Сб. тезисов к лекциям в помощь пропагандистам эксперим. школ. (Авт.: С.Н.Усманов и др. – Мехнат, 1987. -256 с.

¹¹ Каюмов Ф.К. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку. – М.: ИПО полиграмм. 1991. – 330 с.

¹² Ризаев М.Т. Экономическая реформа и проблемы развития АПК республики. Ташкент, 1993. – С. 24.

Ч.М.Муродов¹⁵, К.А.Чариев¹⁶, Н.С.Хушматов¹⁷ ва бошқа аграр олимлар шуғулланиб, улар мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб агросаноат мажмуасида кооперация ва интеграция масалаларини чуқур ўрганганлар, мамлакат АСМнинг ривожланиш прогнозларини ишлаб чиқдилар, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, агроинфратузилма субъектлари ва бошқа хўжаликлар ўртасида кооперацияга асосланган ихтисослашган кооператив корхоналарни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича илмий ҳамда амалий асосланган тавсияларни тайёрладилар.

Мамлакатимизнинг ёш тадқиқотчилари ва олимлари, масалан, Ш.Эргашхўжаева (2006 й.), О.Жумаев (2004 й.), Х.С.Хушвақтова (2005 й.), Р.Т.Тошматов (2010 й.) ва А.Ж.Абдуллаев (2019 й.) ҳам қишлоқ хўжалиги соҳаларида (боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқалар) кооперациянинг ривожланиши масалаларини кўриб чиқдилар. Бироқ, уларнинг тадқиқотлари кооперация муносабатларининг бирламчи яратилиши масалаларини қамраб олиб, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, кооперативларга аъзо бўлиш, барча иштирокчиларнинг мажбуриятлари ва вазифалари, ишлаб чиқариш йили натижалари бўйича дивидендларни тўлаш каби масалалар эса кўриб чиқилмаган эди.

Маълумки, республикамызда қишлоқ хўжалигини 2020-2030 йилларда ривожлантириш Стратегияси тасдиқланган, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, АСМнинг барча субъектларини, эгаллик ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, салоҳиятини ошириш бўйича «Йўл хариталари» ва мақсадли дастурлар ишлаб чиқилган бўлса-да, ушбу йўналишда илмий ишланмаларнинг етишмаётганлиги кузатилмоқда.

Ушбу ҳолат махсус илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва илмий асосланган таклифлар ҳамда тавсияларни ишлаб чиқиш заруриятини белгилайди.

Диссертацион тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-20170928465 «Қорақалпоғистонда агротуризмни ташкил этишнинг ташкилий-иқтисодий асослари» мавзусидаги илмий лойиҳа (2018-2020 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади агросаноат мажмуасини бошқариш тизимида кооперация муносабатларини ривожлантириш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

¹³ Хусанов Р. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги мустақиллик йилларида: муваффақият ва муаммолар // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2001. – № 5. 15-18 б.

¹⁴ Жўраев А.М. Қишлоқ ва ижтимоий ҳаёт. – Т.: Меҳнат. 1992. – 200 б.

¹⁵ Муродов Ч. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида бозор инфратузилмасини ривожлантириш. дис. автореф. ... икт.фан.док. – Т.: 2001 – 46 б.

¹⁶ Чориев К.А. Проблемы аграрного ресурсного потенциала в условиях перехода к рынку. – Т.: Фан. 1992. – 120 с.; Чориев К.А. Пахта ва дон етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари таъсисчилигида қишлоқ хўжалик кооперативи ташкил этиш бўйича услубий тавсиялар. – Т., 2011. – 34 б.

¹⁷ Хушматов Н. Фермер хўжаликларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. дис. автореф.... икт. фан. номз. – Т.: 1994. – 21 б.

Тадқиқотнинг вазифалари:

агросаноат мажмуасини бошқариш тизимида кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг асосий тамойиллари ва шакллари асослаш;

мамлакат агросаноат мажмуаси соҳаларида кооперация муносабатларини ривожланиш эволюцияси ва ҳар бир даврда кооперация муносабатларининг ўзига хос хусусияти ҳамда жиҳатларини илмий жиҳатдан асослаш;

хорижий мамлакатлар агросаноат мажмуасини бошқаришда кооперация муносабатларининг илғор тажрибаларини тадқиқ қилиш ва ушбу тажрибаларни республикамиз агросаноат мажмуасида самарали қўлланиши бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

агросаноат мажмуаси соҳаларида институционал ислохотлар натижасида бошқарув тузилмасининг салоҳиятини модернизациялаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

АСМ соҳаларида менежмент ва кооперация муносабатларини такомиллаштиришнинг асоси сифатида ихтисослаштирилган кластерларни ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш;

агросаноат мажмуаси ва илмий муассасалар ўртасидаги кооперация муносабатларининг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат томонидан АСМни бошқариш тизимида кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг иқтисодий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб Қорақалпоғистон Республикасининг агросаноат мажмуаси соҳасида фаолият юритаётган фермер ва деҳқон хўжаликлари, машина-трактор парклари, муқобил машина-трактор парклари, ихтисослашган кластерлар, қайта ишлаш корхоналари ва бошқа ташкилотлар ҳамда корхоналар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини агросаноат мажмуасини бошқариш тизимида кооперация муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасидаги ташкилий-иқтисодий муносабатлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида иқтисодий таҳлил, таққослаш, абстракт фикрлаш, монографик кузатиш, график, SWOT-таҳлил каби усуллардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иқтисодий юқори даромад, рақобатбардош маҳсулот ва барқарор самарадорликни таъминлайдиган кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг илмий ҳамкорлик, жозибадор инвестицион муҳит ва молиявий қўллаб-қувватлаш омилларидан иборат механизмлар мажмуаси ишлаб чиқилди;

туман (худуд) даражасида агросаноат мажмуа бошқарув тизимида кооперациявий ҳамкорлик алоқаларини мувофиқлаштиришга ихтисослашган бўлимларни ташкил қилиш асосланди;

агрокластерларнинг «маҳсулот (хом ашё) тайёрлаш – сотиб олиш – сақлаш – қайта ишлаш – экспорт» занжиридаги иқтисодий алоқаларини кооперация асосида ривожлантиришнинг намунавий тузилмаси ишлаб чиқилди;

агросаноат мажмуаси соҳалари ва илмий муассасалари ўртасидаги кооперацияга асосланган ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш мақсадида «Фермерлар дала мактаблари»ни ривожлантириш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

агросаноат мажмуасини бошқаришда кооперация муносабатларининг асосий тамойиллари, шакллари ва устувор йўналишлари илмий-назарий жиҳатдан асосланган;

мамлакат агросаноат мажмуасини бошқариш тизимида кооперация муносабатларини ривожланиш эволюцияси тадқиқ қилинган ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнида кооперация муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари ва жиҳатлари асосланган;

хорижий мамлакатларда агросаноат мажмуасини бошқаришда кооперация муносабатларининг илғор тажрибалари тадқиқ қилинган ва илғор тажрибаларни республика агросаноат мажмуасида самарали жорий қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

агросаноат мажмуаси соҳаларида институционал ислохотлар натижасида бошқарув тузилмаси салоҳиятини модернизациялаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

Қорақалпоғистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги, тайёрлаш, қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги молиявий – шартномавий муносабатларни кооперация алоқалари асосида такомиллаштириш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқилган;

АСМ соҳаларидаги кооперация муносабатларининг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлар мажмуаси ишлаб чиқилган;

АСМ соҳаларида менежмент ва кооперация муносабатларини такомиллаштириш асосида ихтисослашган кластерлар фаолиятини ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

АСМ тизимида кооперацияни ривожлантиришни давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотлар натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишда қўлланиладиган услубий ёндашувлар ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг манфаоотдор ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқотда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг агросаноат мажмуасини самарали бошқариш, тизимда кооперация муносабатларини ривожлантириш ва унинг истиқболини

ассослашнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти агросаноат мажмуаси, жумладан агрокластерлар бошқарув тизимида кооперация муносабатларини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, тармоқ вазирликлари ва идоралари, маҳаллий ҳокимият ва бошқа давлат органлари томонидан мақсадли тармоқ дастурлари, махсус концепциялар ва «Йўл харита»ларини ишлаб чиқишда кенг миқёсда фойдаланиш ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг агросаноат мажмуаси ихтисослиги бўйича ўқув адабиётлари, жумладан дарсликлар ва қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Агросаноат мажмуасини бошқариш тизимида кооперация муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича олинган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар натижасида:

иктисодий юқори даромад, рақобатбардош маҳсулот ва барқарор самарадорликни таъминлайдиган кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг илмий ҳамкорлик, жозибадор инвестицион муҳит ва молиявий қўллаб-қувватлаш омилларидан иборат механизмлар мажмуаси бўйича ишлаб чиқилган таклифлар Қорақалпоғистон Республикаси туман қишлоқ хўжалиги бўлимларида жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 27 мартдаги 02/07-739-сон ва 2020 йил 24 январдаги 01/020-188-сон; Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 27 мартдаги 03/290-сон ва 2020 йил 31 январдаги 01/107-сон; Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси бўлимининг 2019 йил 28 мартдаги 01/02-1019-сон ва 2020 йил 25 январдаги 01/03-193-сон маълумотномалари). Ушбу таклифнинг амалиётга тадбиқ этилиши Қорақалпоғистон Республикаси АСМни бошқариш тизимида ишлаб чиқариш ва кадрлар салоҳиятини кучайтириш, мавжуд моддий-техник базадан рационал ва барқарор фойдаланиш имконини яратади;

туман (худуд) даражасида агросаноат мажмуа бошқарув тизимида кооперациявий ҳамкорлик алоқаларини мувофиқлаштиришга ихтисослашган бўлимларни ташкил қилиш бўйича таклифлар «Beruniy Cluster» МЧЖ, «Bo'ston cluster» МЧЖ ва «Amudaryo tex» МЧЖ фаолиятига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 27 мартдаги 02/07-739-сон ва 2020 йил 24 январдаги 01/020-188-сон, Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 27 мартдаги 03/290-сон ва 2020 йил 31 январдаги 01/107-сон, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси бўлимининг 2019 йил 28 мартдаги 01/02-1019-сон ва 2020 йил 25 январдаги 01/03-193-сон маълумотномалари). Ушбу таклифлар хўжалик юритувчи субъектларни самарали бошқариш, бошқарувнинг инновацион ва функционал асосларини мустаҳкамлаш имконини берган;

агрокластерларнинг “маҳсулот (хом ашё) тайёрлаш – сотиб олиш – сақлаш - қайта ишлаш – экспорт” занжиридаги иқтисодий алоқаларини кооперация асосида ривожлантиришнинг намунавий тузилмасини ишлаб чиқиш бўйича таклифлари Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятида жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 27 мартдаги 02/07-739-сон ва 2020 йил 24 январдаги 01/020-188-сон), Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 27 мартдаги 03/290-сон ва 2020 йил 31 январдаги 01/107-сон маълумотномалари) ва Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси бўлими (28.03.2019 йилдаги №01/02-1019-сон ва 25.01.2020 йилдаги №01/03-193-сон маълумотномалари) Кластерлар фаолиятида кооперация муносабатларининг ривожланиши кластернинг барча хўжалик юритувчи субъектларини барқарор бошқариш, бошқарувнинг инновацион ва функционал асосларини мустаҳкамлаш имконини беради;

агросаноат мажмуаси соҳалари ва илмий муассасалари ўртасидаги кооперацияга асосланган ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш мақсадида “Фермерлар дала мактаблари”ни ривожлантириш тўғрисида таклифлар амалиётга жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 27 мартдаги 02/07-739-сон ва 2020 йил 24 январдаги 01/020-188-сон, Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 27 мартдаги 03/290-сон ва 2020 йил 31 январдаги 01/107-сон, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси бўлимининг 2019 йил 28 мартдаги 01/02-1019-сон ва 2020 йил 25 январдаги 01/03-193-сон маълумотномалари). Таклифларнинг амалиётга жорий қилиниши агросаноат мажмуаси тизимида фан-ишлаб чиқариш муносабатларининг мустаҳкамлаш негизида инновацион технологиялар ва ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ички ва ташқи бозорлар учун рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга мустаҳкам асос яратади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни ва тадқиқот натижалари бўйича 42 та иш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган нашрларда 11 та илмий мақола, жумладан, 7 та республика ва 4 та хорижий журналларда мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 12 та статистик, таҳлилий, ҳисоб-китоб жадваллари, 11 та расм ва 3 та иловаларни қамраб олган ҳолда 162 саҳифада баён этилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети баён қилинган, тадқиқотнинг республикада илм ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилмаси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **биринчи боби «Мамлакатнинг агросаноат мажмуасида кооперацион муносабатлар шаклланишининг назарий жиҳатлари»** деб номланиб, унда мамлакатнинг агросаноат мажмуасини бошқаришда кооперацияни шакллантириш, кооперация муносабатларининг асосий тамойиллари ва шакллари, ривожланиш босқичлари ва ўзига хос хусусиятлари ўрганилган, хорижий мамлакатларнинг агросаноат мажмуасида кооперация муносабатлари ривожланишининг тажрибаси таҳлил қилинган ва уларни Қорақалпоғистон Республикасида қўллаш йўллари асослаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг агросаноат мажмуасидаги ҳозирги иқтисодий вазият қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантиришнинг устувор муаммоларини ечишга мажмуавий ёндашув зарурлигини талаб қилади. Бу жараёнларда нафақат иқтисодий, балки ташкилий омиллар ҳам муҳим аҳамият касб этиб, улар орасида агросаноат мажмуасини бошқаришни ислоҳ қилиш ҳам муҳим ўрин тутди.

Ҳозирги шароитда агросаноат мажмуасини бошқариш тизими олдидаги асосий устувор йўналишлар бўлиб қишлоқ хўжалиги ва агросаноат мажмуасининг бошқа соҳалари ишлаб чиқаришини ва техник-технологик базасини модернизация қилиш; агросаноат ишлаб чиқаришининг салоҳиятини ошириш (инновацион ва ресурсларни тежайдиган технологияларни қўллаш, тўғридан тўғри харажатларни камайтириш ва ҳ.к.лар орқали); амалиётга манфаатдорликни, ишлаб чиқариш ва меҳнатни рағбатлантиришнинг замонавий механизмларини қўллаш ва ҳ.к.лар ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда агросаноат мажмуасини бошқаришни ташкил этишнинг энг самарали шакллари излаш, фермер хўжаликлари, инфратузилма субъектлари, агрологистикалар, кластерлар ва бошқа хўжалик субъектлари иштирокида ихтисослашган кооперативларни ташкил қилиш асосида кооперация муносабатларини тиклаш жараёни давом этмоқда. АСМ – бу озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги товарларини ишлаб чиқариш ҳамда тақсимлашда иштирок этадиган, иқтисодиётнинг барча соҳаларидаги турли ташкилотлар ўртасидаги хўжалик алоқаларининг ранг-баранглигини билдиради.

Тадқиқот ишларининг таҳлили кўрсатишича, агросаноат мажмуасида кооператив ҳаракатларнинг шаклланиши ва ривожланиши, хусусий ва давлат хўжалик юритувчи субъектларининг кооперация муносабатлари доирасидаги ҳамкорлиги узоқ ва мураккаб йўлни ўз ичига олади. Тадқиқот доирасида агросаноат мажмуасида кооперация ҳаракатларининг шаклланиши ва ривожланишининг шартли босқичлари ишлаб чиқилди (1-жадвал).

Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуасида кооперация муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари

| Босқичлар | Йиллар | Моҳияти |
|-------------------|--------------------|---|
| I босқич | 1920-1924 | Шахсий деҳқон хўжалиklarининг ривожланиши. Деҳқонларнинг ихтисослашган кооператив ташкилотлар (пахтачилик, ипакчилик, чорвачилик, мевачилик-узумчилик ва ҳ.к.)га бирлашиши, кооперация шаклланишининг бошланиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг ўсиши. |
| II босқич | 1925-1958 | 1927 йилда пахтачилик шерикчилиги ташкил этилди (Ўзбекпахтасоюз). 1930–31 йилларда пахтачилик кооперациясини тугатилиши. Коллективлаштиришнинг бошланиши, барча деҳқонларнинг колхозларга бирлашиши. Турли шаклдаги кооперацияни давлат томонидан ривожлантириш: истеъмол, савдо, таъминот, кредит, сув ва ишлаб чиқариш; ерларни қайта ишлаш бўйича шерикчилик (ЕҚИШ), қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ҚХК) ва бошқалар. Давлат томонидан тасдиқланган низомлар ва кўрсатмаларга асосан ижтимоий коллектив меҳнат, маҳсулот ишлаб чиқариш, даромадлар тақсимотини ривожлантиришга қаратилиши. Эгалик қилиш, ер эгаси, ишлаб чиқарилган маҳсулот, даромад ва ҳақозалар ҳиссини йўқотилганлиги. |
| III босқич | 1958-1975 | Сўғорилмайдиган қурғокчил чўл ерларини (Қарши, Сурхон-Шеробод, Сирдарё-Жиззах ва бошқалар) ўзлаштириш ва янги совхозларни ташкил қилиш, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги сув хавзаларини қуриш ва бошқалар. Агросаноат мажмуасини бошқариш ва режалаштириш, қишлоқ хўжалигида тақсимлаш, ишлаб чиқариш, сотиш, назорат қилиш ва бошқа соҳаларда давлат ролини кучайтириш. |
| IV босқич | 1975-1990 | Агросаноат хўжалиklarаро ташкилотларининг дастлабки яратилиши, 1988 йилда СССРда «Кооперация тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши. Агросаноат мажмуаси соҳаларида (қишлоқ хўжалиги бундан мустасно) ишлаб чиқаиш кооператив ташкилотларни яратишни ривожлантириш. |
| V босқич | 1991-1997 | Ўзбекистон Республикасининг «Кооперация тўғрисида» (1991 йил 14 июн) ва «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати) тўғрисида»ги (1998 йил 30 апрел) қонунларини қабул қилиниши. Колхоз ва совхозларни кооператив (ширкат хўжалиги), ижара ва бошқа турдаги ташкилотларга ўзгартириш. Қишлоқ хўжалигини бошқариш ва режалаштириш тизимида давлатнинг ролини кучайтириш ва мустаҳкамлаш, уларнинг хўжалик фаолиятидаги мустақиллигини чеклаш. |
| VI босқич | 1998-2018 | Янги қонунларни қабул қилиниши: Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси (1998 й.), «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида» (1998 й.), «Фермер хўжалиklари тўғрисида» (2004 й, янги таҳрир). Зарар кўраётган қишлоқ хўжалиги корхоналарини қайта ташкил этиш жараёнини бошланиши. Совхозларни кооперативларга (ширкат хўжалиklarига) айлантириш бўйича ишларни давом эттирилиши. Зарар кўраётган ширкат хўжалиklarини фермер хўжалиklarига тарқатиш. 2007 йилда барча йирик қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжалиklarига айлантириш жараёнининг якун топиши. |
| VII босқич | 2018 ва истиқболда | Агросаноат мажмуасининг йирик соҳаси – қишлоқ хўжалигида кооператив ташкилотларни ташкил этишнинг бошланиши. Ихтисослашган кластерларнинг ташкил қилиниши ва ривожланиши. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (2019 йил 14 март, ПҚ-4239), «Қишлоқ хўжалигида кооперация тўғрисида» ва «Кластерлар тўғрисида» янги қонунларини тайёрлаш. |

Республикамизда кооперация муносабатлари ёки кооператив ҳаракатларнинг шаклланиши ва ривожланишини таҳлил натижаларига кўра, мамлакат АСМ соҳасида кооперация муносабатларини ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган қўйидаги: маъмурий-бошқарув; ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий; ишлаб чиқариш ва ижтимоий-психологик омиллар ажратиб кўрсатилди.

Агросаноат мажмуаси соҳаларини бошқарув тизимида кооперация муносабатларини ривожланишининг хорижий тажрибасини ўрганишда Қорақалпоғистон Республикасида самарали бошқарув ва рағбатлантириш воситаларини қўллаш эҳтимолини аниқлашга қаратилди.

Хорижий давлатларда агросаноат интеграцияси ва кооперация муносабатларининг ўзига хос хусусияти шундаки, интеграция объекти бўлиб аграр сектор ҳисобланади, ташаббускор бўлиб эса ноқишлоқ корхоналар ҳисобланадилар.

Агросаноат интеграциясини ривожлантиришга қўйидаги омиллар киради: АСМ соҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватланишини кучайтириш, уларда капитални тўплаш, якуний маҳсулотни ишлаб чиқаришда ноқишлоқ хўжалиги соҳаларининг улушини кўпайтириш. Масалан, АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида қишлоқ хўжалигининг тайёр маҳсулотдаги улуши 20-30% дан ошмайди, 70% дан ортиғини тақсимот ва сотиш (транспортировка қилиш, сақлаш, сотиш) соҳалари ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, хорижий мамлакатлар иқтисодиётида кооператив-интеграцион тузилмаларнинг самарали фаолият кўрсатиши уларни ташкил этишнинг қўйидаги асосий тамойиллари билан асосланади: ҳамкорликнинг ихтиёрийлиги, бошқарувнинг демократиклиги, олинган фойдани сарфлаш ҳуқуқи, эркин хўжалик юритиш ва бошқалар.

Хорижий тажрибалар бўйича ўтказилган таҳлиллар асосида, бизнинг фикримизча, Ўзбекистоннинг агросаноат мажмуасида кооперация муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш учун қўйидаги чораларни қабул қилиниши мақсадга мувофиқ: АСМда замонавий халқаро меъёрларга мос келадиган кооператив-интеграция алоқаларини қуришнинг энг мақбул моделини танлаш; кооперация муносабатларини самарали ривожлантириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, «АСМда кооперация муносабатларини ривожлантириш тўғрисида» қонунини қабул қилиш; субсидиялар орқали кооператив харажатларнинг бир қисмини қоплайдиган молиявий рағбатлантириш, солиқ ва кредит имтиёзларини беришнинг янада самарали тизимини яратиш (АҚШ, Италия, Швеция, Испания, Франция, Япония давлатларининг тажрибаси) лозим.

Диссертациянинг **иккинчи «Агросаноат мажмуасида ишлаб чиқариш – иқтисодий муносабатларни бошқаришнинг замонавий ҳолати» бобида** мамлакат агросаноат мажмуасидаги институционал ислохотлар таҳлил қилинди ва бошқарув салоҳиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар, шунингдек АСМнинг хўжалик юритувчи субъектлари ўртасидаги ишлаб чиқариш – иқтисодий муносабатлар ҳолати ўрганилди ва кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

Мустақилликнинг илк кунларидан мамлакатимизнинг агросаноат мажмуасида миллий, минтақавий (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар) ва туман даражаларида институционал ислохотларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинган эди.

2017 йилдан бошлаб иқтисодиётнинг барча соҳаларида, шу жумладан қишлоқ хўжалигида бошқарув тузилмасини мақбуллаштириш, шунингдек, унинг самарадорлигини ошириш ва бозор муносабатларига асосланган иқтисодий механизмларини жорий этиш мақсадида кенг қўламли ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ушбу йўналишда мамлакатимиз Президенти қуйидагиларни таъкидлади: «бошқарув тизимининг сифатини яхшилаш ва жамиятда: «Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилишлари керак» асосий тамойилини тўлиқ ўрнатиш учун ҳали кўп иш қилишимиз лозим».

Қорақалпоғистон Республикаси мамлакатимиз ҳудудининг катта қисмини эгаллайди, аммо унинг иқтисодиёти ривожланиш босқичида, аҳолисининг асосий қисми қишлоқ хўжалигида банд.

2018 йилда минтақанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 3,5%ни, экспортдаги – 2,0%ни, хизматлар соҳасидаги – 3,1%ни ташкил қилди. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича айниқса, қишлоқ хўжалиги ва ички савдонинг ривожланиш даражаси бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистоннинг бошқа вилоятлари ичида охириги ўринни эгаллайди. Шу билан биргаликда ҳудуд ялпи миллий маҳсулот, истеъмол товарлари, пуллик хизматлар индекси бўйича охириги ўринлардан бирини эгаллайди.

Статистик маълумотларга кўра, доимий аҳолининг сони 2018 йилда 869,8 минг кишини ташкил қилди ва 2010 йилга нисбатан 11,2 фоизга ўсди. Фермер хўжаликларида 2018 йилда 55,4 минг киши меҳнат қилиб, 2010 йилга нисбатан 19,5 %га камайган.

Тадқиқотлар жараёнида Қорақалпоғистон Республикасидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳолати ўрганилди (2-жадвал).

2-жадвал

Қорақалпоғистон Республикасида барча хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тонна¹⁸

| Кўрсаткичлар номи | 2010 й. | 2015 й. | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2018 й. 2010 й.га нисбатан, % |
|--------------------|---------|---------|---------|---------|---------|-------------------------------|
| Пахта | 188037 | 195453 | 205629 | 174608 | 159936 | 85,1 |
| Дон, жами | 299816 | 266541 | 295198 | 296488 | 246855 | 82,3 |
| Ш.ж., шоли | 79473 | 65616 | 73595 | 91365 | 32794 | 41,3 |
| Картошка | 31114 | 47754 | 52512 | 61390 | 70305 | 226,0 |
| Сабзавот | 134245 | 241257 | 256321 | 244130 | 253038 | 188,5 |
| Полиз | 69530 | 113824 | 127537 | 134995 | 134369 | 193,3 |
| Мева | 24728 | 27360 | 30453 | 33089 | 36812 | 148,9 |
| Узум | 3467 | 5737 | 6037 | 6930 | 7533 | 217,3 |
| Гўшт, тирик вазнда | 58881 | 88402 | 95160 | 101262 | 105170 | 178,6 |
| Тухум, минг дона | 45998 | 206722 | 236012 | 260065 | 307269 | 668,0 |
| Жун | 861 | 1175 | 1241 | 1187 | 1260 | 146,3 |

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Таҳлилдан кўриниб турибдики, республикада пахта ва ғалла экинларини, шу жумладан, шоли етиштириш нобарқарор ҳолатда қолмоқда. 2018 йилда пахта ва ғалла маҳсулотларини ишлаб чиқариш 2010 йилга қараганда 14,9 ва 7,7 фоизга (қурғоқчилик сабабли шоли – 58,7 фоизга) камайди.

Картошка, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштириш ижобий кўрсаткичларга эга, яъни барқарор ўсишга эга ёки 2010 йилга нисбатан 2018 йилда картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева ва зираворлар, узум етиштириш 148,9-226,0 фоизга ўсди. Чорвачиликда ҳудди шундай ҳолат кузатилмоқда, яъни гўшт, тухум ва жунни етиштириш бу йилларда 146,3-668,0 фоизга ўсди.

Қорақалпоғистон Республикасида 2015-2018 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсатишича, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан тушган тушумнинг 2,7 баравар, шу жумладан ўсимлик етиштириш бўйича 3,8 марта ва чорвачилик бўйича – 1,7 марта ўсганини кўрсатади. Бу йиллар давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг таннархи 2,5 марта, фойда эса – 6,8 марта ошди, рентабеллик 2,7 мартага кўпайди ва 2018 йилда 7,2 фоизни ташкил қилди (3-жадвал).

3-жадвал

Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигининг кўрсаткичлари, млн. сўм¹⁹

| Кўрсаткичлар номи | 2015 й. | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2018 йил 2015 йилга нисбатан, марта |
|--|---------|---------|-----------|---------|---|
| Маҳсулот сотишдан тушган тушум, жами | 31 874 | 65 420 | 88 128,24 | 85 489 | 2,7 |
| шу жумладан деҳқончилик бўйича | 14 639 | 39 606 | 61 812 | 55 767 | 3,8 |
| шундан, пахтачилик бўйича | 700 | 1 079 | 1 588 | 1 259 | 1,8 |
| чорвачилик бўйича | 17 234 | 25 814 | 26 316,07 | 29 722 | 1,7 |
| Сотилган маҳсулотнинг тўлиқ таннархи | 24 481 | 50 226 | 67 375 | 62 210 | 2,5 |
| шу жумладан деҳқончилик бўйича | 9 635 | 29 395 | 48 952 | 40 334 | 4,2 |
| шундан, пахтачилик бўйича | 497 | 840 | 1 250 | 668 | 1,3 |
| чорвачилик бўйича | 14 846 | 20 831 | 18 422 | 21 875 | 1,5 |
| Сотилган маҳсулот бўйича молиявий натижалар (+ фойда, - зарар), жами | 658 | 6 101 | 10 786 | 4 454 | 6,8 |
| шу жумладан, деҳқончилик бўйича | 1 164 | 5 106 | 6 948 | 2 109 | 1,8 |
| + фойда | 1 892 | 6 145 | 9 839 | 10 800 | 5,7 |
| - зарар | - 728 | - 1 039 | - 2 891 | - 8 690 | 11,9 |
| шундан, пахтачилик бўйича | 146 | 58 | 134 | 428 | 2,9 |
| + фойда | 175 | 79 | 138 | 449 | 2,6 |
| - зарар | - 29 | - 21 | - 4 | - 21 | 0,7 |
| чорвачилик бўйича | - 506 | 995 | 3 837 | 2 345 | 2851 |
| + фойда | 1 763 | 2 196 | 4 421 | 3 709 | 2,1 |
| - зарар | - 2 269 | - 1 201 | - 583 | - 1 363 | 0,6 |
| Рентабеллик, %, жами | 2,7 | 12,1 | 16,0 | 7,2 | 4,5 п. |
| шу жумладан, деҳқончилик бўйича | 65,8 | 74,2 | 79,2 | 72,3 | 1,1 |
| шундан, пахтачиликда | 70,9 | 77,9 | 78,7 | 53,1 | 0,7 |
| чорвачиликда | 86,1 | 80,7 | 70,0 | 73,6 | 0,9 |

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Бироқ, таъкидлаш жоизки, озиқ-овқат экинлари кичик ер майдонларини эгаллайди, шунинг учун деҳқонлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ушбу маҳсулотларнинг маҳаллий бозорлардаги нархлари юқори бўлганлиги сабабли кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга интиладилар.

Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалигида хом ашё вазифасидаги ишлаб чиқаришнинг кўпайиши, ўз навбатида, ҳар доим ҳам қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ва хусусий тадбиркорлар фаолиятининг барқарор ривожланишини таъминламайди.

Бизнинг фикримизча, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, шунингдек турли ҳил воситачилар иштирокидаги кўп томонлама муносабатлар иқтисодий муносабатларнинг мураккаб тизимини намоён қилиб, улар ўзаро интеграция ва томонларнинг манфаатларига мос келишини таъминлашга йўналтирилиши керак.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки босқичларида ширкат (кооператив) хўжалиklarини яратишнинг асосий мақсади бўлиб, ҳақиқий мулк эгаларини шакллантириш, оилавий пудрат, мулкый улушлар ва дивидендлар каби самарали ишлаб чиқариш механизмларини амалиётга жалб қилиш йўли билан маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг самарадорлигининг мутлақ ўсишини таъминлаш ҳисобланади.

Бироқ таъкидлаш жоизки, ушбу даврда республиканинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 24,7 %га зарар билан яқунланди. Таҳлилларни кўрсатишича, кўрилган зарарнинг 80 фоизидан ортиқ қисми ширкат (кооператив) хўжалиklarига тўғри келади.


АСМ соҳаларида улкан ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ўтказилиши, ихтисослашган кластерларнинг ривожлантирилиши, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун шаффоф шароитларни яратиб бериш, инновацион ва ресурстежамкор технологияларни жалб қилинишини рағбатлантириш АСМ соҳаларидаги ташкилотлар ва корхоналар даромадларини оширишда мустаҳкам пойдевор яратади, яъни барча соҳавий вазирликлар ва идораларнинг фаолияти такомиллаштирилмоқда, уларнинг ваколатлари, мажбуриятлари ва масъулиятлари кенгайтирилмоқда ва ҳ.к.

Ҳозирги вақтда «маҳсулот (хом ашё) тайёрлаш – сотиб олиш – сақлаш ва қайта ишлаш – экспорт» занжири бўйича кооперация тизимининг мавжуд эмаслиги АСМ соҳаларини ривожлантиришни барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатади ва пировард натижада батамом эскирган тизимдан бутунлай воз кечиш ва мутлақо янги узлуксиз ишлаб чиқариш занжири, яъни кооперация ва кластерлар тизимини ташкил этиш зарурлиги белгиланди.

Мамлакатимиз агросаноат мажмуаси учун интеграциянинг вертикал шакли характерли бўлмоқда. Вертикал интеграциянинг кўринишларидан бири сифатида вертикал бирлашиш ҳисобланади, унинг ёрдамида харидор – кооператив (кооперация ёки кластер) ўзининг фаолияти билан боғлиқ жараёнларни, яъни олдинги ишлаб чиқариш босқичларидан бошлаб хом ашё етказиб берувчи субъектларигача ёки кейинги ишлаб чиқариш босқичларига – кооператив маҳсулотининг якуний харидорларигача кенгайтиради.

Вертикал бирлашишнинг асосий омили бўлиб кооперация – харидор ва кооперация – мақсад таъминот – сотиш тизими билан яқин ҳамкорликда бўлган тармоқларда вужудга келади.

Агросаноат мажмуасида институционал ислохотларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги ва агросаноат мажмуаси корхоналари ўртасида кооперация муносабатларини шакллантириш ҳамда уларда келишилган бошқарув тизимини жорий қилишнинг ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий механизмлари ишлаб чиқилди (1-расм).



1-расм. АСМ корхоналари ўртасида кооперация муносабатларини ва келишилган бошқарув тизимини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси ²⁰

Хорижий тажрибаларга кўра, ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларни қўлланилиши агросаноат мажмуасида кооперация муносабатларини ривожланишига амалий ёрдам беради. Агросаноат мажмуасини бошқарув тизимида кооперация муносабатларини ривожлантиришда давлат сиёсатининг муҳим йўналиши бўлиб бошланғич босқичда кооператив тузилмаларга молиявий ёрдам кўрсатилиши зарур.

Мазкур фаолиятни амалга ошириш учун кооперативларнинг бошланғич фаолиятида имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича аниқ тартибни кўзда тутадиган, қишлоқ хўжалиги кооперациясини қўллаб-қувватлаш бўйича махсус жамғарма ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Қишлоқ хўжалиги ва АСМда давлат кооператив сиёсатини шакллантириш ва ривожлантириш учун «Агросаноат мажмуасида кооперация муносабатлари тўғрисида»ги қонун ва агросаноат

²⁰ Муаллиф томонидан тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган.

мажмуаси тизимида кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг Мажмуавий давлат дастури ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги чора-тадбирларни амалга ошириш учун мамлакатимизнинг вазирлик ва идораларини вакиллари, илмий-тадқиқот институтларининг олимлари, 2-3 йил муддатга шартнома асосида таклиф қилинадиган малакали ва ваколатли хорижий эксперт маслаҳатчилар билан битта гуруҳ сифатида ҳамкорлик йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу ҳамкорлик амалга оширилаётган тадбирларнинг сифат кўрсаткичларини кўпайтиришга ёрдам беради.

Хўжалик субъектлари ўртасида кооперация муносабатларини шакллантиришнинг ташкилий механизмлари ёрдамида агросаноат мажмуасини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш 1-2 йилни, ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш эса 2-3 йилни талаб қилиши мумкин.

Агросаноат мажмуасини самарали бошқариш ва тегишли механизмларни жорий этиш яқин йилларда уйғунлашган, инновацион, илмий жиҳатдан интеграциялашган агросаноат мажмуасини ва аграр соҳани ривожлантириш учун имконият яратади.

«Агросаноат мажмуасини бошқариш соҳаларида кооперацияни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» деб номланган **учинчи бобда**, агросаноат мажмуасида бошқарув ва кооперация муносабатларини такомиллаштириш, агросаноат мажмуаси ва илмий муассасалар ўртасидаги кооперация алоқаларининг самарадорлигини ошириш ва давлат томонидан агросаноат мажмуасида ҳамкорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш учун ихтисослашган кластерларни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

XX асрда ривожланган давлатларда агросаноат мажмуасининг барқарор ривожланиши ва ўсиши омиллари ўрганилганда, давлат раҳбарлари, ҳукуматлар, тармоқ вазирликлари, маҳаллий маъмурий ҳокимиятлар, молиявий ва илмий-тадқиқот муассасалари қуйидаги йўналишларни, яъни «мамлакатнинг агросаноат мажмуаси ва фермер хўжаликларини кейинги барқарор ривожлантириш бўйича қонунлар ва қонуности ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қишлоқ жойларда логистика тизимини ривожлантириш – инфратузилма объектлари пунктлари ва кооперацион алоқалар орқали ишлаб чиқариш – фан – таълим ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш» алоҳида эътибор бериб, устувор йўналиш сифатида ажратиб олдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июлдаги «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4406-сон қарори қабул қилиниб, унда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида республикамизнинг салоҳиятини янада ошириш, агросаноат масалалари бўйича амалга оширилаётган ислохотлар ва замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, стандартлаштириш, консалтинг ва маркетинг хизматларини ривожлантириш, агросаноат мажмуаси тизимини илмий тадқиқ қилиш, озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш,

соҳанинг инвестицион жозибadorлигини ошириш ва аграр секторга замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобланади.

Маълумки, мамлакатда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, соҳага бозор механизмлари ва замонавий технологияларни жорий қилиш бўйича изчил чоратadbирлар амалга оширилмоқда, хусусан, кластер тизими яратилиб, экин турлари замонавий талаблар асосида диверсификация қилинди.

Мамлакатдаги агрокластерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва қуритиш бўйича 430 минг тонна қувватни ўз ичига олган 96 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда 6 минг гектар майдонда интенсив боғлар ва 8 минг гектар майдонда узумзорлар яратиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилган.

Қўшилган қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун мева-сабзавотчилик кластерлари ташкил қилинмоқда ва 2020 йилда дунёнинг 66 мамлакатига 80 турдаги маҳаллий маҳсулотларни 410 миллион АҚШ доллари миқдорида экспорт қилиниб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг даромади ошди.

Кластер тизими бозор тамойилларига ўтишнинг муҳим омили ҳисобланади. 2020 йилгача Ўзбекистонда 96 та пахта-тўқимачилик кластери ташкил қилинган, уларнинг улуши етиштирилган пахта ҳосилининг 73 фоизга етди. Бундай янги тузилмаларда пахта хом ашёсининг ўртача ҳосилдорлиги кластер бўлмаган ерларга нисбатан 4,1 центнерга юқори бўлиб, қўшимча 428 минг тонна пахта йиғиб олиш имконияти яратилди.

Тадқиқот давомида Қорақалпоғистон Республикасида ташкил қилинган кластерлар фаолияти устидан мониторинг ҳам ўтказилди. Республикада кластерлар билан қамраб олинмаган пахта далаларида, хусусан Қорақалпоғистон Республикасида фермерлар иштирокида кооперацияга асосланган кооперациялар ташкил этиш режалаштирилган. Шу билан биргаликда, пахта тозалаш заводлари кооперация асосида фермерларга топширилади, қўшилган қийматдан олинган даромад кооперация аъзолари – фермерлар ўртасида тақсимланади²¹ (4-жадвал).

4-жадвал

Қорақалпоғистон Республикасида пахта-тўқимачилик кластерлари фаолияти тўғрисидаги маълумот, 2020 й.²²

| Т/р | Пахта-тўқимачилик кластерларининг номи | Жойлашуви (туманлар) | Пахта ер майдони, минг га | Тўқимачилик саноатини қуввати, минг тонна |
|-----|--|----------------------|---------------------------|---|
| 1. | «Beruniy Cluster» МЧЖ | Беруний | 10,3 | 10,3 |
| 2. | «Bo'ston cluster» МЧЖ | Элликқалъа | 10,7 | 11,7 |
| 3. | «Amudaryo tex» МЧЖ | Амударё | 15,3 | 15,1 |
| 4. | «Agro To'rtko'l tekstil cluster» МЧЖ | Турткул | 9,8 | 9,8 |
| 5. | «Ta'qiyatas tex» МЧЖ | Тахияташ | 2,6 | 2,6 |
| | Жами | | 48,7 | 49,5 |

²¹ Ўша ерда.

²² Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари.

Ихтисослашган кластерлар ўз таркибларига фермер хўжаликлари, турли хизматларни (машина-трактор парклари, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материалларини сақлаш пунктлари ва ҳ.к.) кўрсатиш пунктлари, сақлаш, қадоклаш ва қайта ишлаш ташкилотларини ва ҳ.к.ларни олади.

